



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ

бир неча қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрламоқда

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида парламентнинг ўрни, таъсир кучини ошириб бориш долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси ўз фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол ва самарали иштирок этиш, электорат манфаатларига қаратилган назорат таҳлил ишларини кучайтириш, парламент назоратини изчил йўлга қўйиш масалалари фракция фаолиятида алоҳида устуворлик касб этмоқда.

ЎЗХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари ва ташкилий-хуқуқий тадбирлари дастури ижросини таъминлаш масалалари, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Рустам Комилов мамлакатимизда парламент ислохотларини чуқурлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этди. Қонун ижодкорлигининг барча босқичларида фракцияларнинг роли кучайиб, имкониятлари янада кенгайгани партиялар дастурий мақсадлари амалга ошиши, электорат манфаатлари самарали ҳимояланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Фракциямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари ва ташкилий-хуқуқий тадбирлари дастурига мувофиқ иш юритмоқда, — деди у. — Хусусан, амалдаги қонунларга таклифлар киритиш, кенг жамоатчилик, экспертлар таърибасидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Жорий йилнинг февраль ойида фракция қарори билан 6 ишчи гуруҳи шакллантирилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Экспертлар, илмий-тадқиқот муассасалари, ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда қонунчиликни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва таҳлил этиш юзасидан қатор амалий ишлар олиб борилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари бўйича фракциямиз аъзолари томонидан 300 дан ортиқ таклиф ишлаб чиқилди ва масъул қўмиталарга тақдим этилди. Шундан 120 дан ортиқ таклиф иккинчи ўқишда қонун лойиҳаларида ўз аксини топди.

Сўзга чиққанларнинг маълумот беришича, шу йилнинг ўтган даври мобайнида қўйи палатада 52 қонун лойиҳаси кўриб чиқилган. Жорий йилнинг 15 ноябрга қадар Президентимиз томонидан 13 қонун имзоланган. Битта қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси қарори билан қонунчилик ташаббускорига қайтарилган.

7 қонун лойиҳаси депутатлар ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилган бўлса, шундан 6 тасида ЎЗХДП фракцияси аъзолари фаол иштирок этган.

Фракция аъзоси Ёқуб Умаровнинг таъкидлашича, партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, депутатларнинг 2015-2019 йилларда қонун лойиҳалари устида ишлаши бўйича режа ишлаб чиқилган.

Қонун жамият ҳаётидаги муносабатларни тартибга солишда асосий востига ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг негизи, пойдевори ҳам қонун ва қонунийликдир. Шунинг учун қонун ижодкорлиги ҳар биримиздан жуда катта масъулият талаб этади, — деди у. — Электорат манфаатларидан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш ишларида фаол қатнашишга ҳаракат қилипти. Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш режалаштирилмоқда. Бу борада, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунларга ҳам қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда. Буларнинг барчаси партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, фракция аъзоси Шухрат Турсунбоев сўзга чиқиб, электорат манфаатлари қай даражада ҳимоя қилиниши биринчи галда партиянинг парламентдаги фракцияси фаолиятига боғлиқ эканини таъкидлади.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масала юзасидан фракция аъзоларининг таклиф ва тавсиялари билдирилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ



Фаррух АЛИЕВ билан суратлар.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ

ва она юртимиз буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир

— Бу ерда қандай тадбир бўлаяпти? — деб сўради бир аёл Олмалик шаҳридаги 8-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг иккинчи қаватига қўтарилаётган вақтимизда.

— «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг вилоят босқичи, — деб уни томошабин сифатида қатнашишга таклиф қилдим. У ерда қандай шартлар бўлиши ҳақида ҳам қисқача тушунтирдим. Танлов ақунланган, кимдир ёнимга келиб миннатдорлик билдирди. Бу ўша аёл эди...

► Давоми 2-бетда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида...

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎЗХДПдан сайланган депутатлар томонидан 224 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг 172 таси ижобий ҳал этилди.

Халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳларида 35 масала, доимий комиссияларда 6 масала кўриб чиқилди, 1 масала сессияга киритилди.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Саодат ОДИЛОВА, Жондор туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси:

— Эшитишимга қараганда, яқинда парламентимиз қўйи палатасида 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинибди. Унда янги иш жойлари очиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислигига кўра ишга жойлаштириш, бу масалаларда масъулиятни янада кучайтириш бўйича қатор янги чоралар белгиланибди. Шулар хусусида кенгрок маълумот олмоқчи эдим. Бу масала мамлакатимиздаги ҳар бир ота-онани қизиқтиради, деб ўйлайман.



Samtor RAHMATOV, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Албатта, ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида қаредадир ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда ҳар йили бандлик дастури қабул қилиниб, муваффақият билан ижро этиляпти.

Масалан, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган иккита тегишли комиссиялар фаолияти самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган.

Келаси йилда доимий фаолият юритаётган комиссияларнинг йиғилишини туман даражасида икки ҳафтада камида бир марта, вилоят ҳокимликлари даражасида эса ҳар ойда камида бир марта ўтказиш назарда тутилди. Битта йиғилишда камида 2-3 туманда иш ўринлари ташкил этиш бўйича муаммоли лойиҳаларни, 10-15 муаммоли корхоналарни ва бу масалага масъул раҳбарларни таклиф этган ҳолда кўриб чиқиш белгиланди.

Комиссиялар фаолияти билан боғлиқ тезкор ахборотлар ҳокимликлар, Савдо-саноат палатаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайтларида жойлаштирилиши режалаштирилган. Бундан кўриниб турибдики, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича масъулият жиддий тарзда кучайтирилмоқда.

Рихси Иброҳимова Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:

— «Ўзбекистон овози» газетаси севиб ўқиладиган газета. Унга албатта обуна бўлиш керак, ўғлим!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига сиз ҳам обуна бўлишни унутманг! Обуна индекси — 220

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2015 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ
2015 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:


2015 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2015 йил 7 декабрь душанба кунига кўчирилсин;

2015 йил 5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 ноябрь



Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси.

4

Бола ҳуқуқлари — давлатимиз ҳимоясида

Болага меҳр, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос эзгу ғазилатлардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, болалар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашга доир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, шулар асосида туб ислохотлар амалга оширилди. Конституциямизда бола ҳуқуқлари кафолати мустаҳкамланди, 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция мамлакатимиз томонидан ратификация қилинди.

► Давоми 2-бетда.



ЯГОНА ПОРТАЛ
ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда



Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси муҳокамасига масала киритди.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Мамлакатимизда жорий йилнинг 20 ноябидан 20 декабрига — «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Шу муносабат билан ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда корхона-ташкilotларнинг шу соҳага дахлдор мутасаддилари иштирок этди.

Инсон ҳаётини, мол-мулкни асраш — муҳим вазифа

Матбуот анжумани аввалида содир бўлаётган ёнғинлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини акс эттирувчи видео-ролик намойиш этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Қайд этилдики, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тар-



моқлари объектиларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини қўйиштириш мақсадида идоравий бўйсунуш ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар муассасалар ва ташкилотлар объектилари, шунингдек, ўша-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ холга келтириш, ўта муҳим ва тоифаланган объектиларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида республика ҳудудида 2015 йилнинг ўтган ўн ойи давомида содир бўлган ёнғинлар 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга, ёнғинларда ҳалок бўлиш ҳолатлари 29,9 фоизга, инсонларнинг тан жароҳати олиши 15,5 фоизга камайишга эришилди.

Давлат ёнғин назорати ходимлари томонидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида 45 минг 857 корхона, ташкилот, муассаса ва ҳўжаликларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ўтказилган текширувларда аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг 82,6 фоизи бартараф этилишига эришилди.

Содир бўлаётган умумий ёнғинларнинг 66,6 фоизи аҳоли турар жойларига тўғри келаётганлигини инобатга олиб, асосий эътибор аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилмоқда. Шу мақсадда фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, ёнғинга қарши йўриқномалар берилмоқда. Ёнғиннинг олдини олишга қаратилган мавзуларда 177 мингдан зиёд нусхада эслатма, плакат ва шпорлар тайёрланиб, тарқатилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузётган ёҳуд ёнғин назорати хизматларининг кўрсатмаларини бажармаётган раҳбар, жавобгар шахс ва фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилмоқда.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган текширув ва профилактик тадбирларда асосий эътибор аҳоли кўп йиғиладиган жойларга, таълим-тарбия масканни ва давлат муассасаларига қаратилмоқда. Қўрилатган чора-тадбирлардан асосий мақсад — фуқароларнинг ҳаёти ва мол-мулкни офатлардан асрашдир.

Равшан ОМОНОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Хорижда ишлаш истагида бўлганлар

қаерга, қай тартибда мурожаат қилишлари керак?



лакат қонунчилиги, тили, урф-одатлари, ишга юборишга мўлжалланган корхона ёки ташкилотлардаги техника хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари билан таништирилади. Шу билан бирга, хорижда иш берувчи талабига кўра, тиббий кўрикдан ўтишини ташкил қилади.

— **Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?**

— Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун қовталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўйига чиқаришда ишга жойлаштириш, чет элларда ишга жойлаштиришга номзодлар билан дастлабки кўрикув тадбирларини ўтказиш йўли билан уларга қўмақлашиш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидида минтақавий бюролар, шунингдек, чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш маркази фаолиятини мувофиқлаштириш; хориждан ишчи кучлари ёлловчи чет эл фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиш бўйича Идоралар

қан ҳолда аниқланади», деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарори билан тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида ҳамда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган 2010 йил 27 майдаги «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида» йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруққа асосан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат дафтарчаларига чет элда (шартнома асосида) ишлаган иш даври ҳақидаги ёзувлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сўғурта бадаллари тўланган тақдирда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан тегишли маълумотномаларга асосланиб киритилади.

Фуқаро ўзининг чет элда ишлаган даврини меҳнат дафтарчасига қайд этиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сўғурта бадалларини тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномани агентликка тақдим қилиши шарт. Мазкур маълумотнома агентликка тақдим этилгандан сўнг фуқаронинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритилиб, меҳнат стаж тасдиқлаб берилди.

— **Сир эмас, айрим фуқароларимиз фирмаларга таъсирга тушиб, алданиб қолмоқда. Шундай ноҳус ҳолатлар бўлмаслиги учун чет элда ишламоқчи бўлганларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

— Ноконуний йўл билан хорижда ишлашга бориш одам савдоси қурбонига айланишга, ишловчининг ҳимоясизлиги, жиноят йўлига кириши, соғлиғи ва эркини йўқотишига олиб келади. Аслида хорижда ноконуний юришининг ўзи ҳам жиноятдир. Ўзбекистонда 2014 йил мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан одам савдосига оид 1016 ҳолат бўйича тергов ишлари олиб борилган. 2013 йилда эса бу кўрсаткич 1093 тани ташкил этган. Маълумотларга кўра, 2014 йилда 583 нафар фуқарога одам савдоси жинояти бўйича ҳукм ўқилган.

Бугунги кунда дунёнинг қатор етакчи мамлакатлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган икки ва кўп томонлама битимлар тузилган. Бундай халқаро ҳужжатлардан мақсад — трансмиллий жиноят кўринишини олган одам савдосига барҳам беришдан иборатдир.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилиб, тезкор ва таъсирчан чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, республикамиз фуқароларига чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлаштириш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида маслаҳат ҳамда маълумотлар бериш, айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш борасидаги таклифларига аниқлик киритиш, чет элларда ноконуний меҳнат миграциясининг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма ва марказлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Равшан ШОДИЕВ сўхбатлашди.

Дунё

Ҳар йил июль ойида кузатиладиган ҳолат

Италиялик шифокор-мутахассислар ҳар йили июль ойида юрак-қон томир хасталиклари билан боғлиқ жараён сезиларли равишда ошишини йиллик солиқ декларацияси топиришининг охириги санаси яқинлашаётгани билан изохламоқда. Негаки, декларация топиришдаги мурокабиклар ва бошқа асаббўзарликлар одамда «стресс» ҳолатини юзага келтираркан.



Бу йилдан эътиборан эса декларация топиришининг охириги мuddа-ти 7 июлдан 23 июлга қўчирилди ва бундан ташқари, солиқ тўловчиларга соддалаштирилган солиқ-таомил тақлиф этилди. Яъни солиқ тўловчилар декларация тўлдириши шарт эмас. Солиқчиларнинг ўзлари ҳар бир одам учун электрон тарзда декларация шакллантиради. Бунинг учун инспекторлар жисмоний шахсларнинг олган даромади ҳақидаги ахборотларни иш берувчилардан, банклар ва бошқа манбалардан йиғайди.

Ҳар ким дастлабки тарзда тўлдирилган ҳисобот билан интернет орқали танишиши ва керакли тузатишлар ҳамда ўзгартишлар киритиши мумкин. Маълумотлар тўғри бўлган, «қабул қилинсин ва жўнатиб юборилсин» деган тугмачани босиши kifof.

Шуни айтиш лозимки, жисмоний шахслар декларацияни ўзлари тузишлари ҳам мумкин. Аммо солиқ тўловчиларнинг 93 фоизи солиқчилар томонидан тайёрланган ҳисоботлардан фойдаланишни маъқул кўрди.

Шифокорлар эндиликда юрак-қон томир билан боғлиқ хасталиклар сезиларли равишда камайишига умид қилмоқда.

Янги хавф кузатилмоқда

Шимолий Каролина университети олимлари кишилик жамиятига жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолат юзасидан баёнот беришди.



Уларнинг маълум қилишича, мутлақо янги, ҳали ўрганилмаган «SHC014-CoV» деб шартли номланган вирус дунё жамоатчилиги саломатлигига хавф солиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ташвишланарлиси, бу вируснинг давоси ҳали топилмаган, тарқалишининг олдини олиш учун вакцина ҳам яратилмаган.

«VistaNews» хабарига қараганда, биринчи галда ўпкани зарарлаб, ўткир зотилжам касаллигини келтириб чиқарувчи бу инфекция манбаи қўршапалаклардир.

Тадқиқотлар шуни қўрсатдики, вируснинг ташқи муҳитга ўта чидамчилиги унга қарши вакцина яратиш масаласини анча қийинлаштириши мумкин. Ҳозир олимлар мазкур вируснинг одамдан одамга юқиш-юқмаслиги жараёнини тадқиқ қилмоқдалар. Шу нарса аниқландики, бу вирус қоронавируслар туркумига мансубдир.

Эслатиб ўтаемиз: қоронавируслар туркумига кирувчи «SARS» (атипик пневмония)нинг кенг тарқалиши 2002 йили Хитойда қайд этилган эди. Ушанда 8 минг киши ўткир зотилжам хасталигига чалиниб, шифохоналарга ётқизилган ва улардан 800 нафари ҳаётдан кўз юмган эди. Бунга қарши янги вакцина яратилганча «SARS»нинг тарқалишига чек қўйилган.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, янги «SHC014-CoV» вируси хавфлилик даражаси бўйича «SARS»дан қолишмайди.

■ 2015 йилнинг 17-20 ноябрь кунлари БУДАПЕШТ шаҳрида 1992 йилда қабул қилинган ТРАНСЧЕГАВАРИЙ СУВ ОҚИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО КўЛЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ Тўғрисидаги КОНВЕНЦИЯ ТОМОНЛАРИНИНГ 7-ЙИГИЛИШИ Бўлиб ўтди. Унда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҳам иштирок этди.



■ ГЕРМАНИЯНИНГ ГАМБУРГ ШАҲРИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ Бўлиб ўтди. Унда мазкур давлат жамоатчилиги, АКАДЕМИК ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

КУРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Умрбоқий наволар» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

«Умрбоқий наволар»



Қадимий қолғуларнинг моҳир ижрочилари ва ҳаваскор ёшлар ўртасида ўтказилган ушбу танлов Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Анча йиллардан бери бу танловни ўтказишни режалаштириб юрдик, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Каримжон Азимов. — Бу йил мақсадимизга эришдик. Танлов иштирокчилари бу ерда бир-бирини кўрди, тинглади. Бу эса уларни кейинги танловларга яхши тайёргарлик кўришга, янада кучли бўлишга ундайди.

Саламат АЯПОВ, танлов ғолиби (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Бугун дунёда кузатилаётган глобаллашув ҳар бир халқнинг анъаналарига, урф-одатларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Халқ қолғучилигини ривожлантириш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида катта ишлар

амалга оширилмоқда. Бу каби ҳаракатларнинг натижаси сифатида мазкур кўрик-танловни кўрсатишимиз мумкин. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидан кучли созандалар жам бўлди. Халқ бахшиларининг ҳам иштирок этгани кишини қувонтиради. Улар бизнинг ҳазинамиздир. Бахшилар ижодини ўрганишимиз, тарғиб қилишимиз керак. Шунда уларнинг янги авлоди етишиб чиқади.

— Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад миллий қолғу асбоблари йўқолиб кетишининг олдини олиш, уларни ёш авлод орасида кенг тарғиб қилишдир, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази масъул ходими, шоир Дониёр Мирзо. — Бугунги тадбирда ҳали бағоятга етмаган болалардан тортиб кекса отахонларнинг ҳам иштирок этгани барчамизни қувонтирди. Эндilikда яна бир муҳим масала юзасидан иш бошланди. Яъни, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири учун халқ қолғучилигига бағишланган дарсликлар яратишни мақсад қилганмиз. Ана шу режа амалга ошса, миллий қолғучилигини кенг тарғиб қилишда муҳим қадам ташланган бўлади.

Танлов иштирокчиларининг маҳорати улар ижро этаётган кўйнинг мазмунини, саҳнада ўзини тўтиши, мусиканинг миллийлиги, қадимийлиги, либослар ҳамонанлиги каби мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Шаҳбоз САИДОВ

Ўзбекистондаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳити тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бағрикенглик — тинчлик ва барқарорлик асоси

Тошкент ислом университетида «Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда вазирлик ва идоралар, диний конфессиялар вакиллари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, хорижлик экспертлар, олимлар, олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев, Ватиканнинг Ўзбекистондаги нунцийси И.Юркович ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъзозланаётгани самарасида миллатлараро ва диний конфессиялараро бағрикенглик, аҳиллик муҳити қарор топганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун жамиятимизда диний бағрикенглик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўн олти диний конфессияга мансуб 2 минг 238 диний ташкилот, 130 дан ортиқ миллат вакилларида иборат қарийб 140 миллий-маданий марказ, Имом Бухорий халқаро маркази, Тошкент ислом университети, ислом институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасаруфидидаги диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинариялари фаолият

юртмоқда. Мамлакатимиздаги диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини рағбат топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда. Республика Байналмилал маданият маркази барча фуқароларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжихатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка оид етмишдан зиёд халқаро ҳужжатлар, конвенциялар қабул қилинган. 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Шундан буён мазкур сана инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундаш мақсадида Халқаро бағрикенглик кўни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Мазкур сана муносабати билан ташкил этилган анжуманда дунёнинг айрим минтақаларида диний ақидапарастлик ва миллатчилик уруш ҳамда низоларга сабаб бўлаётгани қайд этилди. Қўл миллатли жамиятда динлараро тўғривликка эришиш демократик ислохотларни изчил амалга ошириш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш имконини бериши алоҳида таъкидланди.

— Ушбу конференция ғоят долзарб мавзуга бағишланганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди Новоапостол черковининг Берлин-Бранденбург округи раҳбари Вольфганг Надольни (Германия). — Бугунги мураккаб даврда тинч-



лик ва барқарорликни сақлаш учун динлар, конфессиялар, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда худди шундай муҳит қарор топган. Турли динга эътиқод қилувчилар учун зарур шароитлар яратилгани, уларнинг ўз анъаналари ва удувлари, маросимларини бемалол адо этиб келаяётгани эътиборга молик. Ўзбекистондаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳити тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган мождарларга таянган кўз билан қараб, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда ўн йилдан буён фаолият юритаман, — деди Ўзбекистондаги Рим католик черкови епископи Ежи Мацулевич. — Бу ерда турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, тинч ва осуда ҳаёт кечириётгани, жамиятда қарор топган бағрикенглик ва миллатлараро тўғривлик бизни қувонтиради. Одамлар тинч-хотиржам яшамокда, ўз орзулари, интилишларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Ўзбекистонда қарор топган тинчлик,

барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит дунё ҳамжамияти ҳавасини тортмоқда.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистондаги миллатлар ва диний конфессиялараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлоди миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Анжуманда тинчликни мустаҳкамлашда диний бағрикенгликнинг ўрни, бағрикенглик тамойиллари, динлар ва ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро мулоқотнинг жамиятнинг ривожлантиришдаги роли, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тўғривликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида миллий-маданий марказлар, диний ташкилотлар томонидан тайёрланган Ўзбекистондаги миллатлараро тўғривлик ва диний бағрикенглик муҳитини акс эттирган босма нашрлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

ФУТБОЛ

Европа чемпионати финал босқичи келаси йили Францияда ўтказилади. УЕФА тасаруфидидаги мазкур мусобақада илк маротаба кўҳна қитъанинг йигирма тўрт терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб боради. Баҳслар 2016 йилнинг 10 июнь — 10 июль кунлари Франциянинг ўнга шаҳрида бўлиб ўтади.

Европа чемпионати иштирокчилари номи маълум бўлди

Европа чемпионатининг йигирма катнашчиси аввалроқ маълум бўлган эди. Кўни кеча икки учрашувдан иборат «плей-офф» босқичи баҳслари орқали қолган тўртта терма жамоа номи ҳам аниқланди.

Унда қуйидаги натижалар қайд қилинди: Словения — Украина — 1:1 (дастлабки учрашув — 0:2), Дания — Швеция — 2:2 (1:2), Ирландия — Босния ва Герцеговина — 2:0 (1:1), Венгрия — Норвегия — 2:1 (1:0).

Шундай қилиб, Европа чемпионати финал босқичида иштирок этаётган йигирма тўрт терма жамоа номи маълум бўлди. Булар — Франция, Испания, Германия, Англия, Португалия, Бельгия, Италия, Россия, Швейцария, Австрия, Хорватия, Украина, Чехия, Швеция, Польша, Руминия, Словакия, Венгрия, Туркия, Ирландия, Исландия, Уэльс, Албания, Шимолий Ирландия вакиллари.

Мусобаканинг гуруҳ босқичи учрашувларига 12 декабрь кўни Парижда қуръа ташланади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО	21-22.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	0 / +5 +2 / +7
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+0 / +5 +8 / +13
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+0 / +5 +8 / +13
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+3 / +8 +10 / +15
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+2 / +7 +8 / +13
Тошкент шаҳри	+2 / +4 +10 / +12
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+6 / +6
Париж	+7 / +7
Москва	+4 / +3
Мадрид	+13 / +12
Пекин	+1 / -2
Канберра	+26 / +26
Рим	+18 / +12
Афина	+22 / +23
Токио	+16 / +14
Стокгольм	0 / -1
Кейптаун	+19 / +22
Қоҳира	+26 / +26
Гавана	+32 / +29
Вашингтон	+13 / +8

ЭЪЛОН

«Ўзагроماشсервис» уюшмаси

«Қорақалпоғистон Республикаси машина-тракторлари бирлашмаси» акциядорлик жамияти буюқруви раиси лавозимига танлов эълон қилади.

Номзодга қуйидаги талаблар қўйилади:

Маълумоти: олий маълумотли инженер-механик.

Касбий даражаси: мутахассислиги бўйича камда 7 йил ишлаган. Қишлоқ хўжалиги соҳаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиши, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий қайта ўзгартиришлар талабларига жавоб берадиган, халқаро амалиётни жорий этиш асосида бошқариш

малакаси ва менежментнинг замонавий методларини, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, ишлаб чиқариш қувватларидан, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш салоҳиятига эга, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатиш, таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш соҳасида билимли бўлиши ҳамда акциядор-

лик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини яхши билиши лозим.

Иш ҳақи штат жадвалига асосан.

Танлов «Ўзагроماشсервис» уюшмасида 2015 йил 24 ноябрь соат 16:00 да ўтказилади.

Ҳужжатлар уюшма ходимлар бўлимида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 244-62-72

РЕКЛАМА

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ ZAZ Forza Дв.: 109 л.с. Бензин / газ

LADA Нива Бизнес-лифт, 4x4 Дв.: 80,92 л.с. Бензин / газ

UAZ

ЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТЎЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темури шоҳ кўчаси, 110-уй.
Муължал: Телевизион минора қаршида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz
Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

ЭЪЛОН

«Toshkent universal auksion savdo» масъулияти чекланган жамияти

«MARKAZIY» комбинати» ДУКнинг 2015 йил 13 ноябрдаги 5/808-сон хатига асосан қуйидаги автомобилотранспорт воситалари:

№	Русуми	Давлат рақами	№	Русуми	Давлат рақами
1	«ГАЗ-6602»	Рақамсиз	6	«ЗИЛ-157»	Рақамсиз
2	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	7	«ЗИЛ-131»	Рақамсиз
3	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	8	«ЭО-2621В2»	ЕД 34-17
4	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	9	«ЭТЦ-165»	ЕД 34-11
5	«ГАЗ-63»	Рақамсиз			

аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.
Гувоҳнома № 005357

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada nashr: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
10529
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

